

## ОНАНИНГ ЎЗ ЧАҚАЛОҒИНИ ҚАСДДАН ЎЛДИРИШИ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Рўзиев Иззатулло Неъматуллоевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Izzatillo.ruziyev1993@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7098832>

Аннотация. Ушбу мақолада онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириш тушунчаси. Сунъий она (донор она) вазифасини бажарувчи шахс тушунчаси, унинг жавобгарлик тартиби, оналикни оила кодексига белгиланиш тартиби, она ўз чақалоғини қасдан ўлдириш жинояти учун жазо қўллашда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилиб, қонунчилигимизда онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши жинояти учун жазо қўллашда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: Биологик она, Суррогат (сунъий) она, чақалоқ туғилиш вақти, онанинг, психологик жароҳат, ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий бузилиш, ақли заифлик,

Одам ўлдириш жинояти жиноятлар ичида ижтимоий хавфи энг юқори жиноятлардан бири ҳисобланади, шу жумладан, онанинг ўз чақалоғини ўлдириш жинояти ҳам ўз ижтимоий хавфлилик жиҳатидан ушбу туркум жиноятлар таркибига киритилгани ҳам бежизга эмас. Шунинг учун суриштирув, тергов ҳамда суд жараёнида ушбу жиноятнинг жинойи-ҳуқуқий тавсифини тўғри ёритиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Биламизки, давлатнинг бош вазифаларидан бири инсон ҳақида ғамхўрлик қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 99-моддасига мувофиқ ушбу жиноятнинг объекти сифатида янги туғилган чақалоқнинг ҳаётини сақлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар қабул қилинган [1].

Янги туғилган чақалоқнинг ҳаёти худди вояга етган инсон ҳаёти каби муҳофаза қилинади. Бола туғилгандан сўнг халқаро ҳуқуқ нормалари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан унинг ҳуқуқ ва эркинлари кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра инсон [2], унинг шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият саналиши белгиланганлиги бежизга эмас, чунки давлатимизнинг етакчи қонунчилигида ушбу норманинг берилиши ҳам объект сифатида мазкур ижтимоий муносабатлар нақадар юксак қўриқланишини кафолатлайди.

Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришида, жиноятнинг туғиш вақти тушунчасини ва туғилиши ҳамон тушунчаларини алоҳида-алоҳида баён қилиб бериш ушбу жиноятнинг объектив томонининг зарурий белгилари ҳисобланади.

Яъни, онанинг ўз чақалоғини фақат туғиш пайти ва туққан ҳамон бевосита ўзи томонидангина ўлдирса ёки ўлдиришда иштирок этган тақдирдагина 99-модданинг объектив томонининг зарурий белгиси сифатида намоён бўлади. “Одам ўлдиришнинг бу тури жазони енгиллаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш жумласига киради, чунки жиноят аёлнинг туғиш пайтидаги ёки бевосита туғишдан кейинги алоҳида руҳий-жисмоний ҳолати натижасида содир этилади. Бундай ҳолат туғиш пайтидаги оғриқлар, азият туфайли пайдо бўлиши ва бу кўзи ёриётган аёлда чақалоққа нисбатан салбий туйғуни келтириб чиқариши мумкин. Ёхуд бу исталмаган (номусга тегиш натижасида ҳомиладор бўлиш ёки уйланишга ваъда қилиб алдаб кетиш) туғиш бўлиши мумкин. Чақалоқни танасининг бирон-бир аъзоси она қориндан чиққан ёки ушбу жиноятнинг келиб чиқиши ҳамда қонунчиликда шаклланиш тарихи ўзгача ҳисобланади. Чунки турли давлатларда ҳамда даврларда онани ўз чақалоғини ўлдирганлик учун жавобгарлик турлича ҳал қилинган. Миллий қонунчилигимиз ҳамда хорижий адабиётларни ўрганиш жараёнида бизга айрим таҳлилий натижаларни беради.

Айнан шу махсус белги саналган жиноят субъекти масаласини қонуний жиҳатдан аниқлаштириб олиш талаб қилинади. Бу зарурият “она” тушунчасини жиноят ва оила қонунчилигига кўра бир хилда тушунилиши лозимлигидан келиб чиқади. Оила кодексига она тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаган. Унинг 60-моддасида боланинг насл-насабини белгилаш асоси сифатида боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра[3], бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланиши мустаҳкамланган. Оила кодексининг

63-моддасида туғилишни ёзиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади деб белгиланган бўлиб [4], чақалоқни онаси сифатида шахсни ҳужжатларда назарда тутилган ёзувларга асосан аниқлаш лозимлигини назарда туттади.

Шу билан бирга Жиноят кодекси 99-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиши мумкин бўлган махсус субъектлар қаторига сунъий она (донор она) вазифасини бажарувчи шахсни киритиш мумкинлиги масаласи ҳам долзарб характер касб этади. Оила кодексининг 207-моддасига мувофиқ никоҳда бўлган ва сунъий ҳомила ҳосил қилиш ёки эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахсларда шу усулларни қўллаши натижасида бола туғилса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига улар шу боланинг ота-онаси деб ёзилади.

Бу қоида мамлакатда бефарзандликнинг олдини олиш мақсадида ўрнатилган бўлиб, унга кўра ҳар шахс бир қатор репродуктив усуллардан фойдаланган ҳолда фарзанд кўриш ҳуқуқини қўлга киритади. Унга кўра сунъий ҳомила усули орқали фарзанд кўриш никоҳда бўлган шахсларнинг ёзма розилиги билангина йўл қўйилади. Бу муносабатда фақатгина никоҳланувчиларгина қатнашиши мумкин. Шунинг учун, сунъий ҳомила ва сунъий она тушунчаларини бир-биридан фарқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Сунъий ҳомила никоҳда бўлган ёки ёлғиз яшовчи табиий равишда ҳомиладор бўлиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилса, сунъий онада эса ижтимоий муносабат иштирокчилари сони 3 нафарни ташкил этади. Жумладан, агар никоҳланувчилар бўлса, қонуний никоҳдаги эр ва хотин ҳамда сунъий она вазифаси бажаришга рухсат берувчи шахс. Бу муносабалар шартнома асосида тартибга солинади.

Бу ҳолатда туғилган чақалоқ бир сутка давомида қонуний равишда она ҳисобланувчи (бу ерда сунъий равишда чақалоқни туғган аёл эмас, балки шартномага мувофиқ чақалоқни онаси ҳисобланувчи шахс ҳақида гап бормоқда) шахс томонидан ҳаётдан қасдан маҳрум қилинса қилмишни Жиноят кодекси 99-моддаси билан тавсифлаш мумкинми, деган савол туғилади. Агар шартномага мувофиқ чақалоқни туғган сунъий она ушбу жиноятни содир этса Жиноят кодекси 99-моддаси субъекти сифатида эътироф этилиши мумкинми деган савол сўроқ остида қолмоқда шунингдек, жиноят кодексининг 99-моддасига асосан она томонидан битта туғилган чақалоқни туғиш вақтида қасдан ўлдириш белгиланган бўлиб, бироқ эгизак чақалоқлар яни, икки ва ўндан ортиқ фарзандларни туғилиши ҳамон ўлдирилиши учун жавобгарлик чоралари ўрнатилмаган. Икки ёки ундан ортиқ чақалоқнинг ўлими учун умумий жазо белгилаш мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олишга ва адолатли жазо тайинлашга тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 60-моддасида боланинг шу онадан туғилганлиги

(оналик) белгилаш асоси сифатида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланиши мустаҳкамланган. Демак, Жиноят кодекси

99-моддаси талабларига кўра сунъий она жиноятни субъекти саналмаслиги лозим. Бу масалаларга тўғри ёндашиш учун аввало, Оила кодексига “она”, “сунъий она” каби тушунчаларини мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

Суррогат (сунъий) она ва чақалоқ кутаётган шахс ўртасидаги муносабатни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги кунда хорижий мамлакатлар олимлар ўртасидаги қизиқиш уйғотаётган масалалардан биридир.

Айрим муаллифлар, ота-онанинг сунъий она ва бола муносабатлари жараёнидаги иштирок этиши ва генетик жиҳатдан боғлиқлик даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар. Аммо қонун репродуктив жараёнда ота-оналик ҳуқуқларини тан олишда генетик жиҳатдан ёндашиш лозимлиги масаласини эътироф этмайди.

Бугунги кунда репродуктив жараён субъектларининг болага бўлган оналик ҳуқуқлари масаласини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий механизм мавжуд эмас. Лекин, бу ҳолатни Жиноят ҳуқуқий нуқтаи назарда тартибга солиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Жиноят кодекси 99-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти сунъий ёки биологик она бўлишидан қатъий назар организмидан туғиш жараёни орқали чақалоқни дунёга келтирган шахс ҳисобланади. Шу боис Жиноят қонунида “чақалоқнинг онаси” тушунчаси ўрнига “чақалоқни туққан она” тушунчасини ишлатиш лозим.

Қонунга мувофиқ оталикка олиш тартибига биноан она мақомини олган шахс Жиноят кодекси 99-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин эмас. Чунки, бундай аёл жиноят қонуни билан жиноятни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланган ҳомиладор бўлиш ва туғиш каби ҳолатларни бошидан ўтказмайди. Чақалоқни қонунга мувофиқ оналикка олган аёл умумий асосларга кўра жавобгарликка тортилади.

Хориж давлатлари тажрибасини ўрганишлар натижасига шуни кўрсатадики айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра ушбу норма турли хил тасниф қилинган. Масалан Германия [5], Франция, Испания жиноят қонунчилигига кўра онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши жинояти “оддий” қасддан одам ўлдириш жинояти таркибида бўлган. Ушбу қонун

нормасини таҳлил қиладиган бўлса, жиноятнинг хавфлилик даражаси ҳамда етказиладиган зиённинг турига кўра қасддан одам ўлдириш жиноятига ўхшаш бўлса-да, махсус субъект она экканлигини, шунингдек, объектив томондан вазиятни, жиноят содир этилиш вақтини, туғиш жараёнида юзага келадиган оғриқларни ҳисоблаган ҳолда мазкур нормани енгиллаштирилган таркибли нормалар қаторига тўғри бўлади. Исроил давлат қонунчилигига кўра Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши жиноятининг субъект ёши норманинг ўзида берилган бўлиб, 12 ёшли шахс жинойий жавобгарликка тортилиши келтирилган. Шунингдек, бошқа давлат қонунчилигида ҳам субъект ёши турлича берилган. Масалан, Францияда 13, Испанияда 14 ёшда ушбу жиноятни содир этган шахслар жавобгарликка тортиладилар. Айрим давлатларда ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига турлича баҳо берилган бўлиб, Францияда [6] онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдирганлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланса, Швецария қонунчилигига 3 кунлик озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Болгария Жиноят кодексинг 125-моддасига мувофиқ агар она ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон эҳтиётсизлик орқали жиддий жисмоний жароҳат етказмасдан ёки соғлиққа жиддий зиён етмасдан чақалоқнинг ўлимига сабаб бўлса она жавобгарликка тортилмайди.

Яқин қўшни давлатлар жумладан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, бундан ташқари роман-герман ҳуқуқ тизими вакиллари Озарбайжон, Молдова, Украина давлатлари қонунчилигига кўра онанинг ўз чақалоғини ўлдириш жинояти ўзларининг жиноят кодекслари билан тартибга солинган бўлиб, ҳар бир давлат ўзига хос жазолаш тизимига эга ҳисобланади. Масалан Украина Жиноят кодекси [7] 117-моддасида онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдирганлик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Озарбайжон Жиноят кодексида эса 121-моддасида [8] она томонидан туғилган боласини дарҳол ўлдирилиши учун 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида 100-моддасига кўра онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдирганлик учун жавобгарлик масаласи белгиланган бўлиб, она ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғиш ҳамон вужудга келган психологик жароҳат натижасида ёки ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий бузилиш ҳолатида ўлдириши, ақли заифлик бундан мустаснолиги белгиланган.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 106-моддасида онанинг ўз чақалоғини ўлдириши учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра мазкур жиноят тўртта мустақил жиноят таркибидан ташкил топган: онанинг чақалоғини туғиш пайтида ўлдириши; онанинг ўз чақалоғини туғилиши ҳамон ўлдириши; онанинг ўз чақалоғини асаб тизимини издан чиқарувчи жароҳат таъсири ҳолатида ўлдириши; онанинг ўз чақалоғини ақли расолик ҳолатини истисно этган ҳолда руҳий бузилиш ҳолатида ўлдириши.

Умуман олганда, юқорида номлари келтирилган давлатлар жиноий қонунчилигининг таҳлили онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, туғаётган аёлнинг туғиш пайтида ёки туғуруқдан кейин унда алоҳида руҳий-жисмоний ҳолат юзага чиқади. Туғиш пайтидаги жисмоний ва руҳий қийноқлар аёлда фарзандига нисбатан англамаган нафрат, ёлғиз оналар ёки исталмаган ҳомиладорлик туфайли фарзанд кўрган аёлда фарзандини боқа олишидан кўрқув каби ҳиссиётлар таъсирида жиноятга қўл урилишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу тоифадаги жиноятда латентлик даражаси жуда юқори ҳисобланади.

Юқоридаги хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини таҳлилидан, келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бу каби ҳолатларни олдини олиш айбдорга тўғри жазо бериш учун Жиноят кодекси 99-моддаси таҳририни қўйдаги тартибда ўзгартириш таклифини бермоқчимиз. Жумладан: Жиноят кодексининг 99-моддасининг санкциясида белгиланган (бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд) жазосини чиқариб, (уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш) жазосини қолдириш. Шунингдек, Ушбу моддада онанинг ўз чақалоғини, яъни битта фарзандини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши учун жавобгарлик ўрнатилган.

Бироқ эгизак чақалоқларни, яъни икки ва ундан ортиқ фарзандларни ўлдирилиши учун оғирроқ жавобгарлик чоралари ўрнатилмаган.

Икки ёки ундан ортиқ чақалоқнинг ўлими учун умумий жазо белгилаш мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олишга ва адолатли жазо тайинлашга тўсқинлик қилади. Шу сабабли мазкур моддага қўйдаги тартибда янги қисим киритиш Яни: Ўша ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ чақалоққа нисбатан содир этилган бўлса –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши жиноятнинг жабрланувчилари кўпинча носоғлом оила муҳотида дунёга келган ёки исталмаган ҳомиладорлик туфайли дунёга келган ёки онанинг фикрича “нобоп” отадан дунёга келган (номусга тегиш жиноятларида) ёки муайян сабаблар туфайли аборт орқали улардан қутулишга эришилмаган гўдаклар бўлишади. Одатий вазиятларда онанинг ўз чақалоғини ўлдиришга қасд қилишини бошқа бир омиллар билан изоҳлаб бўлмайди. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ушбу турдаги жиноятлар содир этилишига қай бир омиллар туртки бериши, онанинг ўз қилмишларини оқлаш учун келтираётган юзлаб важларига қарамай, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят экканлигини ёдда сақлаш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том. 3. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизлигига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018, – Б. 88.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/20596> / (мурожаат қилинган сана: 19.09.2022).
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/acts/104720> (мурожаат қилинган сана: 19.09.2022).
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/acts/104720> (мурожаат қилинган сана: 19.09.2022).
5. П.В. Головненков Уголовное уложение Федеративной Республики Германия (ред. от 18.07.2021 г) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [ellmann /Forschungsstelle\\_Russisches\\_Recht/Neuaufgabe\\_der\\_kommentierten\\_StGB-%C3%9Cbersetzung\\_von\\_Pavel\\_Golovnenkov.pdf](http://ellmann/Forschungsstelle_Russisches_Recht/Neuaufgabe_der_kommentierten_StGB-%C3%9Cbersetzung_von_Pavel_Golovnenkov.pdf) (дата обращения: 19.09.2022).
6. Уголовный кодекс Франции (ред. от 12.07.2021 г) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://yurist-online.org/laws/foreign/criminalcode\\_fr/\\_doc-5-.pdf](https://yurist-online.org/laws/foreign/criminalcode_fr/_doc-5-.pdf) (дата обращения: 19.09.2022).
7. Уголовный кодекс Украины (ред. от 28.07.2022 г) [Электронный ресурс]. Режим доступа:



[https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30418109](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109) (дата обращения: 20.09.2022).

8.Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (ред. от 08.07.2022 г) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353) (дата обращения: 20.09.2022 г ).

